

Ислом жамиятидаги дастлабки шифохоналар сифатида пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам даврларидаёқ пайдо бўлган кўчма касалхоналарни кайд этиш жоиз. Бу касалхоналар мусулмон кўшини билан биргаликда кўчиб юрарди. Ушбу анъана Ислом тамаддунининг бутун тарихи давомида сақланиб колди.

Хижратнинг 706 йилида Дамашқда уммавийлар халифаси Ал-Валид томонидан қурилган биринчи тўлақонли шифохона вужудга келгунга қадар бир неча ўн йиллар ўтди. Бу шифохонада турли касалликларга чалинган беморлар (жумладан кўзи ожизлар ва хатто моховлар ҳам) даволаниши мумкин эди. Ушбу дастлабки шифохонанинг жихозлари, ходимлари ва ундаги ишнинг ташкил этилиши келажакда юзага келадиган шифохоналар учун намуна бўлиб колди.

Шунингдек, Багдодда ҳам Хорун ар-Рашид ва ал-Мансур томонидан шифохоналар қурилди. Кохирада биринчи шифохона 872 йилда Фустатда, шаҳар волийси Ибн Тулун даврида таъсис этилди.

XII асрга келиб, шифохоналар илгор илм-фанни ривожлантириш муассасаларига айландилар. 1156 йилда Нуруддин Занги томонидан барпо этилган ан-Нурий шифохонаси бунга мисол бўла олади. Шифохонада беморлар яхшилаб даволанар, шунингдек, сифатли ва тўйимли овкатлар билан парваришланар эди. Бундан ташқари, шифохонада таълим олишни истовчилар учун катта кутубхона ҳам бор эди.

Султон Коловун Мансур Кохирада Дюрант томонидан тавсифланган, ўша даврнинг энг улкан шифохонасини қуради.

Тўртбурчак шаклдаги бу улкан тиббиёт иншоотининг ховлисида тўртта мухташам бино қад ростлаган бўлиб, теварак-атрофни фавворалар ва арикчалар салқинлатиб турган. Шифохонада турли касаллик учун алохида бўлимлар, тузалаётган беморлар учун алохида хоналар, шунингдек, лаборатория, лазарет, амбулатория, пархез таомлар ошхонаси, хаммомлар, кутубхона, маърузалар зали бўлган, бундан ташқари, шифохонада рухий хасталар учун энг қулай яшаш шарт-шароитлари мухайё қилинган. Даволаниш эркагу аёл, бою камбагал, қуллау хурлар учун бепул бўлган. Колаверса, тузалаётган беморларга йўл хаки тўланган, шу туфайли эндигина согайиб, уйига қайган кишилар тезда ишга чиқишга мажбур бўлмаган. Кўзи ожиз беморлар учун майин мусика чалиниб турган, бадийий сўз усталари уларга тарих китобларини ўқиб берганлар.